ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ҲИМОЯСИНИ КАФОЛАТЛАРИ

Абдуллажонов Нодир Боқижонович,
Ўзбекистон Республикаси Ички ишар вазирлиги
ТҚД ЖҚХ бошлиғи ўринбосари, полковник
E-mail: nodir.abdullajonov@mail.ru

Аннотация: Мазкур мақолада юртимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг самарали ва ўз вақтида ҳимояланишини мустаҳкамлаш, унинг ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаш бўйича миллий қонунчиликда ўтказилаётган ислоҳотлар, тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш амалиётида юзага келаётган муаммолар, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ҳамда уларнинг ходимлари тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиши тамойиллари тушунчаси, ўзига хос хусусиятлари, уларнинг қонун ҳужжатларида мустаҳкамланиши ҳақида фикрлар юритилган, шунингдек тезкор-қидирув фаолиятида ихтиёрий равишда кўмаклашаётган шахсларнинг ҳуқуқий ҳимояси, қонун ҳужжатларидаги ҳуқуқий бўшлиқ ва зиддиятларни бартараф этиш, миллий хусусиятлар ва шароитларни эътиборга олган ҳолда халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибани имплементация қилиш бўйича таклифлар, тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш механизми такомиллаштириш юзасидан илмий тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: конституция, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, стратегия, ҳуқуқ нормалари, давлат органлари, тезкор-қидирув фаолияти, тезкор-қидирув тадбирлар, принциплар, шахс, жамият, давлат, хавфсизлик, ҳимоя, жиноий жазо, шахсий ҳаёт, инсон шаъни, қадр-қиммати, мурожаат, зарар, компенсация, нафақа, тўлов, қонун, ҳуқуқ, кодекс.

Юртимизда мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб ҳуқуқий демократик давлат қуриш асосий мақсад этиб белгиланган бўлиб ва ўтган давр

мобайнида бу ҳаётга изчил татбиқ этилиб келинмоқда. Мақсадни рўёбга чиқариш жараёнида инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият ҳисобланадиган фуқаролик жамияти асослари янада мустаҳкамланди.

Бунда мамлакатимиз иқтисодиётини мафкурадан холи этиш ва унинг сиёсатдан устунлигини таъминлаш, давлат бош ислоҳотчи вазифасини бажариши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, ислоҳотларни босқичма-босқич ва тадрижий амалга оширишга қаратилган, жаҳонда тараққиётнинг “ўзбек модели” сифатида тан олинган ривожланиш принциплари муҳим дастуриламал бўлди.

Конституция яшаш ҳуқуқини ҳимоя қилишни кафолатланган. Унга кўра яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқидир ва у қонун билан муҳофаза қилинади. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир [1;25-модда].

Суд ҳокимияти, жумладан, унинг марказий бўғини ҳисобланган Конституциявий суд, давлат ҳокимиятининг мустақил тармоғи сифатида юзга келди. Конституциявий суд айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мослигини аниқлаш, амалдаги қонунларнинг нормаларига шарҳ бериш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида изчил фаолият олиб бормоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳуқуқий тизимни модернизаця этиш жараёнларида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди алоҳида ўрин тутмоқда. Ҳуқуқий тизимни, демократик қадриятларни муҳофаза қилишда, уларни халқимиз турмуш тарзига сингдиришда эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда. Келгусида Конституциявий суд фаолиятининг янада такомиллаштирилиши судлов жараёнларининг модернизаця қилиниши ва демократлашувига, конституциявий одил судловнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг самарали ва ўз вақтида ҳимояланишини мустаҳкамлашга қаратилиши лозим.

Маҳаллий ва хорижий экспертларнинг фикрича, конституциявий одил судлов – демократик давлатчиликнинг муҳим белгисидир. Конституциявий одил судлов конституциявий назоратнинг олий шакли бўлиб, замонавий демократик давлатчиликнинг алоҳида талаби, зарур институти ҳисобланади. Конституциянинг устунлигини таъминлаш ҳамда қонунийлик муҳитини яратиш инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлашнинг ишончли гаровидир.

Жиноятларни олдини олиш ва унга қарши курашиш масаласи ҳам давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Айниқса, ёшлар ўртасида жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш юзасидан ички ишлар органлари билан бирга бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, маҳаллий ҳокимлик ҳамда бошқа мутасадди идоралар зиммасига муҳим вазифалар юкланган.

Бугунги кунда мамлакатимизда жиноятларни олдини олиш, аниқлаш ва фош этишнинг янги усулларини жорий этиш, янги турдаги жиноят аломатларига эга бўлган ижтимоий хавфли қилмишларни ўз вақтида бартараф этиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг демократик, ҳуқуқий давлат сифатида шаклланиши йўлидаги тўсиқлардан бири жиноятчиликдир. Мамлакатимиздаги ўтиш даврида бу ижтимоий хавфли ҳодиса кучли ривожлана бошлаган эди. Жиноятчиликнинг миқдорий кўрсаткичлари, шунингдек сифат борасидаги ўзгаришларига (уюшганлик, умумжиноий, иқтисодий ва сиёсий элементлар уйғунлашуви, фаоллик, ҳуқуқни муҳофаза қилиш тузилмаларига қаршилик жадаллашуви, давлатчиликнинг негизларига нисбатан экстремистик ва террорчилик йўналишлари ва ҳ.к.) таянган ҳолда у томондан миллий хавфсизликка таҳдид пайдо бўлганлигини таъкидлаш мумкин.

Бундай шароитда анъанавий жиноят-процессуал шакллар ва кураш усуллари самарасиз бўлиб қолади. Шунингдек, давлатимиз ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг алоҳида фаолият тури сифатида тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш тартиби бир қатор қонун ҳужжатларида, жумладан, “Прокуратура тўғрисида”ги, “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида акс эттирилган бўлса-да, мазкур фаолият 2012 йилга қадар алоҳида ҳуқуқий тизим шаклида ёки алоҳида қонун орқали тартибга солинмаган эди [2;Б-226].

Жиноятчиликка қарши курашувчи ваколатли давлат органлари замонавий шароитларда улар тезкор-қидирув фаолияти усулларидан кенг фойдаланмоқдалар. Ушбу фаолият натижасида олинган маълумотлар жиноят ишлари бўйича ҳақиқатнинг ишончлилигини кафолати бўлиб хизмат қилади.

Шу боисдан, бугунги кунда республикамизда ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, жиноятчиликка самарали қарши курашишнинг асосий йўналишларидан бири бўлган тезкор-қидирув фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Тезкор-қидирув фаолиятини ташкил этиш, уни амалга ошириш тактикаси, методи ва воситалари ҳақидаги маълумотлар, ҳужжатлар прокурор назорати предметига кирмайди. Шунингдек, қонуности ҳужжатлари (буйруқлар, йўриқномалар) даги кўрсатмаларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш мажбурияти прокурор зиммасига юклатилган эмас.

Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишнинг белгиланган тартибини, қабул қилинган қарорларнинг қонунийлигини прокурор томонидан текшириш учун қўйидаги ҳолатлар асос бўлиши мумкин [3;Б-47]:

-фуқароларнинг ўз ҳуқуқлари бузилганлиги ёки бузилаётганлиги ҳақидаги шикоятлари;

-зарурат бўлганда очилмаган жиноятлар бўйича олиб борилаётган тезкор тадбирлар, жиноят содир этган шахсларга, бедарак йўқолган

шахсларга, жиноят ишлари бўйича айбланувчи ёки гумон қилинувчиларга нисбатан қидирув тадбирларнинг ижобий натижалар бермаётганлиги ҳақидаги материаллар мавжудлиги;

-суриштирув органларининг, терговчининг ва суднинг иш юритувида бўлган жиноят ишлари юзасидан берган топшириқларига, прокурор кўрсатмаларига тегишли жавоб берилмаганлиги ҳақидаги ахборотлар мавжудлиги;

-тезкор-қидирув фаолияти соҳасидаги қонунчиликка риоя қилиниши ҳолатига доир бошқа маълумотлар мавжудлиги.

Хусусан, бу борада шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони билан қабул қилинган “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”да 16-мақсад сифатида жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига сабаб бўлган шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишнинг самарали тизимини яратиш, шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш биринчи навбатдаги долзарб вазифалардан бири сифатида белгиланган [4].

“Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонун нафақат инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, буни тезкор-қидирув фаолиятининг пировард мақсади ва уни амалга ошириш тамойиллари деб эътироф этди [5; 5-7-моддалари].

“Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунда бу кафолатлар тўлиқ ўз ифодасини топган. Унга кўра тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ҳамда уларнинг ходимлари тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиши шарт ҳисобланади [5; 7-моддаси].

Шунингдек, ушбу йўналишда тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширишда қуйидаги мажбуриятлари [5; 13-моддаси] алоҳида белгилаб берилган:

ўз ваколатлари доирасида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкини ҳимоя қилиш, шунингдек шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш юзасидан барча зарур чораларни кўриши;

фуқароларнинг шахсий ҳаётига тегишли, шаъни ва қадр-қимматига дахлдор маълумотларни уларнинг розилигисиз ошкор этмаслиги;

ўз ходимларининг ҳамда тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга кўмаклашаётган шахсларнинг, шунингдек улар оила аъзоларининг хавфсизлигини, уларнинг мол-мулкини жиноий тажовузлардан ҳимоя қилишни таъминлаши.

Инсон ҳуқуқларни таъминлаш тизимида тезкор бўлинмаларнинг фаолиятининг қонуний талаблари ва мазмунига мос келишида назорат энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Назоратнинг ўз вақтида ўтказилиши қўйилган вазифалар, танланган кучлар, воситалар, усуллар ва ва ҳоказоларнинг қонунийлиги белгилаш ҳамда салбий оқибатларга қўл қўймасликка оид чора-тадбирлар қабул қилиш имноятини беради [6; Б-99-100].

Демак, тезкор-қидирув фаолиятида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилишнинг асосий кафолатларидан бири тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошираётганда тезкор-қидирув субъектлари томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишини таъминлашдан иборат деб ҳисоблаймиз.

ТҚФнинг ҳуқуқий тартибга солиниши ҳар томонлама такомиллаштириш, мазкур фаолиятида инсон ҳуқуқларини таъминлаш

самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омиллардан бири ҳисобланади. Қонунда 16 та тадбирлар ўз аксини топган бўлиб, уларни қонуннинг асосий қисми, ўзаги деб ҳисоблаш мумкин. Аммо ўтказилган тадқиқотлар, амалиёт тажрибасини гувоҳлик беришича қонунинг айрим қоидалари, хусусан муайян ТҚТнинг мазмун-моҳияти, уларни ўтказиш асослари ва шартлари, ташкилий тактик жиҳатлари ҳанузгача муккамалликдан йироқ [6; Б-114].

Мазкур тезкор-қидирув тадбирлари янги пайдо бўлган жиноят аломатларига эга ижтимоий хавфли қилмишларни барвақт аниқлаш ва фош этиш вазифаси олдида самарасиз бўлиб қолмоқда. Шу боис, ушбу йўналишда тезкор тадқиқот номли янги тезкор-қидирув тадбирини Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунига киритиш ва амалиётга жорий этиш айнан янги пайдо бўлган жиноят аломатларига эга ижтимоий хавфли қилмишларни барвақт аниқлаш бўйича самарали тезкор-қидирув тадбири сифатида муҳим аҳамият касб этмоқда [7; Б-189].

Тезкор-қидирув фаолияти амалга оширилиши жараёнида шахс, биринчидан, унинг фикрича, қонуний бўлмаган, унинг ҳуқуқларини поймол қилган, унинг қонуний манфаатларига зид бўлган тезкор-қидирув ҳаракатлари устидан шикоят қилиши орқали; иккинчидан, тезкор-қидирув фаолияти устидан идоравий ва прокурор назоратларини амалга ошириш орқали ҳимоя қилиниши мумкин деб ҳисоблаймиз.

Мазкур назорат турлари шахс ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишни сўраб мурожаат этмаган (мисол учун, унинг манфаатларига тажовуз юзага келганлигидан бехабар бўлган) ҳолларда ҳам қонун бузилишларини аниқлаш ва уни бартараф этиш чораларини кўрилиши таъминлаши лозим. Шунингдек, фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини тиклаш, унга етказилган моддий зарарни қоплаш бу каби қонун бузилишини аниқлаган органларнинг ташаббуси асосида амалга оширилиши лозим деб ҳисоблаймиз.

Тезкор-қидирув фаолияти ва унинг натижаларини қонуний тартибга солинганига қарамай, инсон ҳуқуқларининг қўпол бузилиши билан олинган ишончсиз маълумотларга нисбатан эҳтиёткорлик муносабатлари ҳали ҳам мавжуд.Тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан фойдаланиш муаммоси фақат жиноят-процессуал исботлашда улардан фойдаланишни тақиқлаш стереотипини ўзгартиргандан кейингина ҳал қилиниши мумкин. Афсуски, жиноят-процессуал қонун ҳужжатчилигида тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан жиноят-процессуал фойдаланишни тартибга солишда ҳаддан ташқари эҳтиёткорлик билан ифодаланган салбий тенденциялар ҳали ҳам мавжуд. Шуни ёдда тутиш керакки, инсон ва фуқаролик ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш давлатнинг ички вазифасидир. Бизнинг фикримизча, жиноят процесси ва унинг иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳамда жабрланувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган ва ижтимоий адолатни тиклайдиган юқори сифатли жиноят ишини юритиш орқали амалга оширилиши мумкин [8; Б-74].

Муаммоли жиҳати шундаки, тадбирнинг натижаларини процессуал жиҳатдан расмийлаштиришнинг имконияти мавжуд эмас. Лекин тезкор ходимнинг кейинги тезкор-қидирув тадбирларини белгилашга муҳим йўналиш вазифасини бажаради. Тезкор ходим, тадбирни амалга оширишда бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилмаслиги лозим. Тадбирга ТҚФга кўмаклашувчи шахслар жалб этилганида шахсий хавфсизлигини таъминлаш тезкор ходим зиммасига юклатилади [9].

Шунингдек, “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги” қонунда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилган тақдирда унга етказилган зарарни қоплаш юзасидан чора кўриш мажбурияти ҳам назарда тутилган.

Инсоннинг мулкий ва у билан боғлиқ шахсий номулкий муносабатлари,

ундан олиб қўйилиши мумкин бўлмаган ҳуқуқ ва эркинликлари ва бошқа номоддий неъматлари фуқаролик қонун ҳужжатларида ҳимоя қилинганлигини инобатга олиб, уларни ҳимоя қилиш усуллари фуқаролик ҳуқуқи нормаларининг талабларидан келиб чиқиб танланади.

Фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини бузувчи ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш мумкин. Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан юзага келмайдиган қарорлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг шундай ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан шикоят фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан кўриб чиқилади.Агар қонунларда бошқа муддатлар белгиланмаган бўлса**,** корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг қарорлари ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги даъво аризаси фуқаронинг ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида унга маълум бўлган пайтдан эътиборан 3 ой ичида судга берилиши мумкин[10].

Фуқаронинг давлат органлари, корхона, ташкилот, муассаса, уюшмалар, бирлашмалар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, мансабдор шахслар ҳаракатлари, уларнинг чиқарган қарорлари устидан шикояти суд томонидан фуқаролик судлови қоидалари бўйича кўриб чиқилади [10].

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига мувофиқ фуқаро ёки юридик шахсга давлат органлари ёхуд уларнинг мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида етказилган зарар қопланиши лозим. Ушбу норма кўрсатмаларидан келиб чиқиб, фақат қонунга хилоф ҳаракатлар туфайли етказилган зараргина қопланиши лозим бўлади. “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат нормалари талабларига мувофиқ қонуний ҳаракатлар эса етказилган зарарнинг қопланишига сабаб бўлмайди [11; Б-27].

Яна бир муҳим масалалардан бири бу, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга кўмаклашаётган шахсларни, шунингдек уларнинг оила аъзоларини ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш масаласидир.

Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга кўмаклашаётган шахсларнинг, шунингдек улар оила аъзоларининг ҳаётига, соғлиғига ёки мол-мулкига ҳақиқий таҳдид юзага келган тақдирда, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар уларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда махсус ҳимоя чора-тадбирларини кўриши шарт ҳисобланади.

Амалдаги қонунга асосан тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга кўмаклашаётган шахс тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда иштирок этиши билан боғлиқ ҳолда майиб бўлган, бу унинг меҳнат қилиш қобилиятини йўқотишига ҳамда ногиронликка олиб келган тақдирда, ушбу шахсга қонун ҳужжатларига мувофиқ бир йўла бериладиган нафақа тўланади ҳамда ногиронлик пенсияси тайинланади.

“Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунда ҳимоя чоралари ҳуқуқларни муҳофаза қилиш чораларига нисбатан устунлик қилади. Айни вақтда уларнинг амалга оширилиши тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган томонидан фаол ҳаракатлар қилиш хусусиятига бўлиб, унинг вазифаси (мажбурияти) ҳисобланади. Бу ҳаракатлар кўмаклашаётган шахсларнинг ҳуқуқлари таъминланишига энг катта қулайлик яратувчи шарт-шароитлар ва вазият яратиладиган тартибни таъминлашга қаратилган. Бу тўғри, мақсадга мувофиқ ва асосли деб ўйлаймиз, чунки тезкор-қидирув фаолиятида ҳимоя хусусиятини акс эттиради. Масалан, ҳимоя қилинаётган шахсга зарар етказилгани ёки унинг ўлимига олиб келингани ҳақида сўз юритиладиган бўлса, унинг бузилган ҳуқуқини тиклаш қийин ёки умуман мумкин бўлмайди, ана шунда фақат товон тўлаш (компенсаця) чорасини

қўллаш мумкин бўлади [11; Б-158].

“Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг бевосита талабларига асосан тезкор бўлинмалар нафақат уларга жиноятчиликка қарши курашишда ёрдам бераётган шахсларга, балки уларнинг оила аъзоларига нисбатан ҳам ҳимоя чораларини кўришлари шарт ҳисобланади. Оила аъзоларига яқин қариндошлар, яъни эр (хотин), ота-она, фарзандлар, жумладан фарзандликка олинганлар, ака-ука ва опа-сингиллар, набиралар, шунингдек эр (хотин)нинг ота-онаси, ака-ука ва опа-сингиллари киритилиши лозим деб ҳисоблаймиз.

Жиноятчилика қарши курашиш фаолияти давомида меҳнат қобилиятини йўқотиш ва ногиронлик келиб чиқишига олиб келадиган шикастланиш сингари оғир оқибатларга йўл қўймасликнинг ҳар доим ҳам иложи бўлмайди. Шу сабабли ҳимоя чораси сифатида етказилган зарар учун компенсаця пули тўлаш мажбурияти ҳам тезкор бўлинмаларга юклатилган.

Компенсация тўловларини амалга оширишнинг мажбурий шарти тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилишида иштирок этиш сабабли мазкур оқибатларнинг келиб чиқиши деб ҳисоблаймиз. Терговга қадар текширув, суриштирув, тергов ёки суд органлари томонидан ўтказилган текширувлар давомида қуйидагилар аниқланган тақдирда компенсаця тўланиши мумкин эмас:

– шахс томонидан содир этилган қилмиш ўз ихтиёри билан алкогол, гиёҳвадлик воситалари ёки инсон руҳиятига кучли таъсир этувчи моддалардан фойдаланган бўлса,

- қилмиши ижтимоий хавфли бўлса;

– касаллик ҳолати туфайли келиб чиқмаган ўзи жонига суиқасд ёки ўзини ўлдириш даражасига олиб бориш деб топилган тақдирда;

– ўз соғлиғига қасддан (атайин) зиён етказиш натижаси бўлса.

Бизнинг фикримизча, шахснинг соғлиғига зарар етиши сабабли бир

марталик нафақа кўмаклашаётган шахс тезкор-қидирув тадбири ўтказилиши натижасида олган жароҳат унга тезкор бўлинма билан ҳамкорлигини давом эттиришига имкон бермай қўйган тақдирдагина тўланиши мумкин.

Хулосада шуни таъкидлаш лозимки, юртимизда инсон ҳуқуқларини таъминлашда ҳуқуқни мухофаза қилувчи органлар бугунги кун талаби асосида ишлаши учун бор куч ва имкониятлар сафарбар этилиши лозим. Хусусан, фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш жараёнига ахборот-коммуникаця технологиялари жалб этилиб, ариза ва шикоятларни ижобий ҳал этиш, фуқароларнинг, тезкор бўлинмаларга ихтиёрий равишда кўмаклашган шахсларнинг бузилган ҳуқуқларни тиклашда ғуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ўзаро ҳамкорликда самарали ишларни йўлга қўйиш ҳамда идоравий назорат юритилиши зарур. Амалиётда юзага келаётган муаммоларни ўрганиш давомида инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларни бажариш юзасидан қонун ҳужжатларни такомиллаштириш, халқаро ташкилотларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги тавсияларини бажариш самарадорлигини ошириш мақсадида институтнинг мониторинг-таҳлил фаолияти кучайтириш лозим деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 2023 йил. 25-моддаси. (Constitution of the Republic of Uzbekistan. 2023. Article 25.) https://lex.uz/docs/6445145 (мурожаат санаси 01.02.2024 й.)

2. Султанходжаев Р.И. Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуни инсон ҳуқуқлари ва фуқароларнинг эркинликларини таъминлаш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш манбаи сифатида. Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали. 2021. Б-226 (Sultankhodjaev R.I. The Law of the Republic of Uzbekistan "On Quick Search Activities" as a source of improvement of legislation in the field of human rights and freedom of

citizens. Journal of Legal Studies. 2021. P-226) file:///C:/Users/user/Downloads /administrator,+Law-2022-SI-6-14.pdf (мурожаат санаси 04.02.2024й)

3. Пулатов Б. Тезкор-қидирув фаолияти, унинг натижаларини далил сифатида фойдаланишнинг қонунийлиги устидан прокурор назорати. Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали 2017. Б-47. (Pulatov B. Prosecutor's control over the legality of the rapid search activity and the use of its results as evidence. Journal of Legal Studies 2017. P-47.) chrome-extension://efaidnbmnnnibpcajpcglclefindmkaj/https://journals. uz/wp-content/uploads/ 2017/11/2-tezkor-idiruv-faoliyati-uning-natizhalarini-dalil-sifatida-fojdalanishning-onunijligi-ustidan-prokuror-nazorati.pdf (мурожаат санаси 03.02.2024й.)

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони. (Decree No. PF-60 of the President of the Republic of Uzbekistan dated January 28, 2022 "On the Development Strategy of New Uzbekistan for 2022-2026".) https://lex.uz/docs/5841063 (мурожаат санаси 05.02.2024й.)

5. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ 344-сон қонуни. (Law of the Republic of Uzbekistan on December 25, 2012 "On Rapid Search Activity" No. 344) https://lex.uz/docs/2107763 (мурожаат санаси 05.02.2024й.)

6. Каримов В. Тезкор-қидирув фаолияти ва инсон ҳуқуқлари. Монография. 2019. Б-99-100. (Karimov V. Quick search and human rights. Monograph. 2019. P-99-100.) https://proacademy.uz/uz-cyr/e-library/index?alias=461 (мурожаат санаси 02.02.2024й.)

7. Гафуров Ф.Р. Тезкор тадқиқот –жиноятчиликка қарши курашишнинг янги усули сифатида. Фундаменьтал тадқиқотлар журнали. №1/2023. Б-189.

https://imfaktor.com/index.php/ jofs/article/view/461/791 (мурожаат санаси 3.02.2024й)

8. Бекмуродов Н.Н. Тезкор-қидирув фаолиятини натижаларидан жиноят ишлари бўйича исбот сифатида фойдаланишдаги айрим муаммолар. 2022 Б-74 https://tadqiqot.uz/index.php/law/article/view/4951/4693. (мурожаат санаси 05.02.2024й.)

9. Рапиков Ш.Х. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашда тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган раҳбарининг рухсати ва санкция асосида тезкор-қидирув тадбирларни ўтказишнинг тартиби. (Rapikov Sh.Kh. The procedure for carrying out rapid-search activities on the basis of the permission and sanction of the head of the body performing rapid-search activities in the provision of human rights and freedoms.) urrent approaches and new research in modern sciences. https://zenodo.org/records/8163804 (мурожаат санаси 01.02.2024й.)

10. Судга мансабдор шахсларнинг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят. 2023. (Appeal to the court against decisions, actions (inaction) of officials. 2023.) https://advice.uz/uz/document/1572 (мурожаат санаси 05.02.2024)

11. Хамдамов А.А., Саитбаев Т.Р., Гордеев С.Н., Рашитходжаев Р.Т. Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунига шарҳ. 2015. Б-25. (Khamdamov A.A., Saitbaev T.R., Gordeev S.N., Rashitkhodjaev R.T. Commentary on the Law of the Republic of Uzbekistan "On Quick Search Activity". 2015. P-25)